

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
Ягона акциядорининг 1 – сонли қарори

Тошкент шаҳри

“26” сентябр 2024 йил

Кун тартиби:

Жамият Кузатув кенгашига тайинланган мустақил аъзоларнинг мукофот миқдорини белгилаш.

Кун тартибидаги масала бўйича: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сонли қарорининг 5-бандига асосан Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларининг кузатув кенгашларига тайинланган мустақил аъзолар учун йиллик мукофотнинг энг кўп миқдори уларнинг ҳар бири бўйича 100 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган. Бунда мустақил аъзоларга акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши қарори билан:

кузатув кенгаши раиси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун - шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

кузатув кенгаши қўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун - шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча мукофот тўланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 74-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Ягона акциядор **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

3. Мазкур мустақил аъзолар Кузатув кенгаши қўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 10 фоизи миқдорида қўшимча мукофот тўланиши белгилансин.

4. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари билан тузилаётган шартномалар мазкур қарорнинг 1 ва 2 – иловаларига мувофиқ маъқуллансин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш жамият Бошқарув раисининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари

 **Х. Мустафаев**